



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 61 (11.622)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ХАЛҚ БАДИИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ВА АМАЛИЙ САНЪАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, халқ ижодиёти соҳасига аҳолининг кенг қатламини, шу жумладан ёшларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2008 йил 1 апрелдаги ПФ-3983-сонли Фармонининг 1-бандида назарда тутилган, уй шароитида халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш бўйича яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқни тўлаш юзасидан солиқ имтиёзининг амал қилиш мuddати "Хунарманд" уюшмаси аъзолари — яқка тартибдаги тадбиркорлар учун 2012 йилнинг 1 апрелига қадар узайтирилсин.
2. "Хунарманд" уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой мuddатда мазкур Фармонда назарда тутилган солиқ имтиёзи татбиқ этиладиган "Хунарманд" уюшмаси аъзолари — бадий ҳунармандчилик ва амалий санъат буюмларини уй шароитида ишлаб чиқариш бўйича яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар рўйхатини аниқласин.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси юқорида кўрсатилган солиқ имтиёзининг тўғри қўлланилиши устидан қаттиқ назоратни таъминласин.
4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 30 март

ФЛАНДРИЯДА ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

Бельгиянинг Фландрия ҳудудига
жойлашган Гент шаҳри маданий-маърифий
маркази бонисода Наврўз байрами ва
Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига
бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонаси томонидан Гент шаҳри маъмурияти ва Фламандлар сайёҳлик уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Гент шаҳри Шарқий Фландриянинг пойтахти ҳисобланиб, кўп минг йиллик тарихга эга. Ушбу шаҳарда 220 мингдан зиёд аҳоли яшайди. У Бельгияда катталиги бўйича иккинчи порт саналади ва мамлакат иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Бундан ташқари, Гент Бельгиянинг йирик сайёҳлик марказларидан бири ҳамдир.

Байрам тадбирида Бельгиянинг Фландрия музофотида истиқомат қилувчи ижтимоий, илмий ва ишбилармон доиралар вакиллари иштирок этишди.

Кечада сўзга чиққан «VZW Reis&Opleidings» сайёҳлик компанияси директори М.Богарт хоним сўнги йилларда бельгияликларнинг Ўзбекистонга, айниқса, турли даврлар ва цивилизациялар ҳақида ҳикоя қилувчи аксарияти ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мерослари рўйхатига киритилган қўллаб-қувватлаш ва тарихий маданий ёдгорликлар жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби дунёдаги энг қадимий шаҳарлар қаторида турувчи масканларга бўлган қизиқишлари охири бораётганини таъкидлади.

У шунингдек туризм инфратузилмасининг ривожланганлиги, замонавий меҳмонхоналар ва транспортларнинг мажмуиди, мезбонларнинг меҳмондўст ва самимиийлигини қайд этар экан, барчани Ўзбекистонни бориб кўришга чорлади.

Кеча меҳмонларига «VZW Reis&Opleidings» компанияси томонидан нидерланд тилида тайёрланган Ўзбекистоннинг қадимий тарихи, бой меъморий-маданий меросига бағишланган видеофильм намойиш этилди. Фильм иштирокчилар томонидан катта қўзиққиш билан қўлиб олинди.

Кеча Ўзбекистон санъат усталарининг чиқишлари билан давом этди. «Сайқал» гуруҳи аъзолари тадбир меҳмонлари эътиборига Ўзбекистоннинг турли воҳаларига хос бўлган қўшиқ ва рақслардан иборат дастурни тақдим этишди.

(Давоми 3-бетда).

ҚИСКА САТРАРЛАРДА

Тошкент шаҳар
ҳокимлигининг Аxbорот
хизмати ва ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

✓ **БУГУН** Сергели молия ва иқтисод коллежидан Саломатлик ва тиббий статистика институтининг шаҳар филиали ташаббуси билан ўқувчилар, ўқитувчилар, шифокорлар иштирокида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Баркамол авлод — келажгимиз» деб номланди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Маданият ва санъат кўргазмасида Баркамол авлод йилига бағишланган ҳаваскор фотосуратчиларнинг анъанавий республика кўргазмаси бошланди.

✓ **СОБИР** Рахимов туманида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими, туман халқ таълими бўлими ҳамкорликларида шахмат, шашка, стол тенниси, мини-футбол,

арқон тортиш, армрестлинг, пауэрлифтинг, эстафета бўйича уюштирилган спорт мусобақаларида тумандаги 100, 102, 106-маҳсуус мактаб-интернатлар ўқувчилари ўзаро беллашишди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

«Ташаббус —
2010»



ТАШАББУСКОРЛИК ВА ФАОЛЛИК РАҒБАТИ

«Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси
Президенти соврини учун «Ташаббус — 2010» кўрик-
танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашда, аҳоли фаровонлигини оширишда хусусий секторнинг ўрни беқиёс. Юртимизда таррақийёт йўлининг «ўзбек модели»ни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор бугун ўзининг юксак самараларини бераётган. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли дастурлар самарасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим механизмига айланди. Хозир кичик бизнес субъектлари мамлакатимиз янги ички маҳсулотининг қарийб 50 фоизини ишлаб чиқараётгани бунинг далилидир.

Бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, иқтисодий барқарорлиқни сақлаб, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган кичик бизнес глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳам мамлакатимизда иқтисодий юксалишни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда. Хусусан, дунёдаги қўллаб-қувватлаш ва хусусий тадбиркорлик мамлакатлар иқтисодиёти танг аҳволга тушиб қолган 2009 йилда мамлакатимизда янги ички маҳсулотининг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган қатор энгиллик ва қулайликлар, солиқ имтиёзлари соҳанинг изчил ривожланишига хизмат қилаётган. Давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорлари билан тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлари сезиларли даражада қамқайтирилди. Қарийб 2 мингта бўш бино кичик тадбиркорлик субъектларига имтиёзли асосда ижарага берилди. Айни пайтда ушбу секторга акритилган кредит ресурсларининг умумий ҳажми 1,8 триллион сўмдан ошди. 2009 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 7 фоизга туширилди, яқка тартибдаги

тадбиркорлар учун эса қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар қамқайтирилди.

Хусусий сектор вакиллари ва фермерларимиз эришаётган ютуқлар, уларнинг бугунги салоҳияти Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловида ҳам ёрқин намойиш бўлмоқда. Иштирокчиларнинг йил сайин кўпайиб бораётгани, намойиш этилаётган маҳсулотлар ва хизматларнинг рақобатбардошлиги ошаётгани танловнинг нуфузи тобора юксалаётганидан дарак беради.

30 март куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Ташаббус — 2010» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда мазкур беллашувнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари иштирок этди.

Том маънодаги ташаббускорлар беллашувига айланган мазкур танлов тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш, фаолиятини кенгайтиришда кучли рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Айни пайтда бу илгор тажрибани оммалаштириш, тадбиркорлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини қарор топтиришга хизмат қилаётган. Утган йиллар давомида ўн минглаб тадбиркор, фермер ва хунарманд мазкур танловда иштирок этди. Улар танлов жараёнида янги иш ўринлари очиб, хорижий сармояларни жалб қилиш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбел маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни илгор усуллари ҳақида янги маълумотларга эга бўлдилар. Танлов ишбилармонлар ҳуқуқий маданиятини оширишда самарали воситага айланди.

Кўрик-танловнинг бу йилги туман, шаҳар, вилоят босқичларида 7 минг нафарга яқин микрофирма, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари, фермер хўжаликлари раҳбарлари, хунармандлар, амалий санъат

ат усталари иштирок этди. Уларнинг барчаси ўз фаолиятини бошлаганига уч йилдан ошган, барқарор кўрсаткичларга эришиб келаётган субъектлардир.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасидан маълум қилишларича, бу йилги танлов импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган тадбиркорлар, ўзи етиштирган маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйган, чорвачилик ва бошқа сардаромад соҳаларда юқори натижаларга эришаётган фермерлар сафи кенгайиб бораётганини кўрсатди. Кўрик-танловнинг куйи босқичларида қатнашган тадбиркор, фермер ва хунармандларнинг аксарияти ўз фаолиятига замонавий, илгор усуллари татбиқ этиётган ишбилармонлар экани айниқса эътиборга молик. Танлов номинациялари орасида ёшлар рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган ёш ишбилармонларни янги ташаббусларга ундамоқда.

Утган йиллардаги каби «Ташаббус — 2010» кўрик-танлови уч асосий — «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер» ва «Энг яхши хунарманд» йўналиши, шунингдек, «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг ёш тадбиркор», «Энг ёш фермер», «Энг ёш хунарманд», «Энг яхши инновацион лойиҳа» каби қатор номинациялар бўйича ўтказилди.

Танлов доирасида иштирокчилар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмага қўйилган товар ва буюмлар ўзининг сифати, рақобатбардошлиги, хорижийликдан қўлиб-қўйилган билан кўпчиликнинг эътиборини тортиди. Тадбиркорларимиз томонидан қишлоқ жойларда ишга туширилган қулай, ихчам ва тежамкор мини технологиялар асосида тайёрланган товар ва буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари халқаро андозаларга, жаҳон стандартларига тўла мос келади. Кўргазмада қатнашган истеъмолчилар, хорижий меҳмонлар ҳамда танлов ҳайъати нафақат ички бозорда, балки экспортда ҳам юқори салоҳиятга эга бўлиб бораётган тадбиркорларимизнинг фаолиятига юксак баҳо бердилар.

(Давоми 3-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда аграр ва сув ҳўжалиги соҳасига доир миллий қонунчиликни такомиллаштириш масаласи муҳокама этилди.

• Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда ёш авлоднинг миллий мафкура, инсонпарварлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳудудий ташкилотларга ёрдам кўрсатишни янада яхшилашга доир мулоҳазалар билдирилди.

• Кеча Тошкентда Фавкулдада вазиятлар вазирлиги томонидан «Сел, кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавкулдада вазиятларнинг олдини олиш чора-тадбирлари» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

• Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бўлими ташаббуси билан атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, табиатдаги турли ноёб ўсимликларни кўпайтириш мақсадида Қарши шаҳрида экологик боғ барпо этилди. Беш гектар майдонни эгаллаган ушбу яшил ҳудудга 1800 тупдан зиёд субтропик ва маҳаллий дарахт кўчатлари ўтказилди.

• Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, янги иш ошотларни бунёд этиш, мавжуд қувватларни кенгайтириш ҳисобига Самарқанд вилоятида жорий йил давомида 110 мингта янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда.

• Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги ва Бандликка кўмаклашувчи марказ ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда 140 кишига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилган бўлиб, уларнинг асосий қисми ёшлардан иборатдир.

• Германиянинг Lufthansa авиакомпанияси Мюнхендан Тошкентга янги ҳаво йўналиши очди. Эндиликда ушбу рейс бўйича парвозлар ҳафтада уч марта Швейцариянинг PrivatAir авиакомпаниясига тегишли Боинг 737-800 самолётларида амалга оширилади.

ЖАҲОНДА

• Евроҳудуд давлатлари раҳбарларининг Брюсселдаги саммити доирасида Грецияга кўмаклашиш режаси қабул қилинди. Унга кўра молиявий ёрдамнинг катта қисмини 16 мамлакат ҳукуматлари, фақат учдан бир қисмини Халқаро валюта фонди ўз зиммасига олади.

• Европа Иттифоқи ва Ливия виза беришдаги чеклашларни бекор қилди. Зеро, 2008 йилда Ливия ЕИнинг «қора рўйхати»га кирган ва мазкур мамлакат фуқароларининг Шенген ҳудудига келиши тақиқлаб қўйилган. Эндиликда бу тақиқ бекор қилинди. Ўз навбатида расмий Триполи ҳам тез орада европаликларга Ливияга келишга виза бера бошлайди.

• Ҳиндистон қуроли кучлари томонидан яқин масофага учадиган «ер-ер» тоифали Prithvi-I ҳамда унинг денгиздаги варианты Dhanush-II янги ракеталарининг синови муваффақиятли ўтказилди. Ҳар иккала ракета ҳам нишонга тўғри етиб борди.

• Вьетнамда кучли сув тошқини олтишдан зиёд одамнинг ҳаётига зомин бўлди. Қўллаб-қувватлаш бедарак йўқолди. Хабарларга қараганда бир ҳафтадан буён қутураётган ушбу офатдан айниқса, Фуен, Биндин ва Кханхоа туманлари катта зарар кўрган. Бу ерларда тўққиз мингдан зиёд турар жой биноси, катта-катта экин майдонлари сув остида қолиб кетган. Ҳозирда тошқиндан зарар кўрган оилаларга молиявий ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатилмоқда.

• Бразилиядаги 101 та шаҳарда ўткир юқумли касаллик — Денге безаги тарқалиши хавфи юзага келди. Эпидемиянинг юзага келиш хавфи 4 та штат ҳамда мамлакат пойтахти ўрин олган федерал округда эълон қилинди.

• Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида баландлиги 275 метрни ташкил этувчи Эйфел минорасига ўхшаш осмонўпар бино қад ростлайди. Режага мувофиқ, минора 90 қаватдан иборат бўлади. Турли иншоотлардан ташқари минорадан ойнаси денгизга қараб турадиган 24 та квартира ҳам ўрин олиши кўзда тутилган. Ушбу квартиралар Мумбайдаги энг қимматбаҳо хонадонлар ҳисобланади.

ДЕПУТАТ: БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Бугунги кунда ҳар бир жабҳада туб ўзгаришлар ва янгиланишлар юз бераётганининг гувоҳимиз. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозимки, ҳаётимизни демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган ҳар бир қадамнинг ҳеч қандай куч орқасига қайтара олмаганини, уларнинг қонуний тус олганига қўллаб-қувватлаш зарур.

Шубҳасиз, сиёсий ва иқтисодий-иқтисодий соҳаларнинг илҳом ва инновация қилиш жараёнини жадал суратлар билан ривожланишига депутатлик фаолияти, хусусан, олий қонун чикарувчи орган ҳамда маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органи алоҳида ўрин тутди.

Мамакатимизнинг икки палатали парламенти ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар тарихи янгидан сайланганига ҳам уч ой бўлмоқда. Шу кунларда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатларининг ҳам ўз ваколатлари доирасидаги вазифаларга астойдил киришганини кузатиш мумкин.

Айни пайтда пойтахт Кенгаши тасарруфига олтига доимий комиссия ва тўртта партия гуруҳи шакллантирилган бўлиб, ҳар бири илк бор ўтказган ташкилий йиғилишида Кенгашнинг беш йиллик фаолиятига доир ҳаракатлар дастурини тасдиқлаб, жорий йил вазифаларини ҳам белгилаб олди. Жойларда депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда.

Кўпчилигимиз бу масалаларга, аниқроқ, депутатта билдирилган ишончнинг амалда қандай ифода топаётганига қизиқиб қолган табиийдир. Газетхонларимизнинг тақдирларидан келиб чиққан ҳолда «Оқшом» сарҳадларида янги «Депутат: бурч ва масъулият» руҳи ташкил этилди. Ушбу руҳ остида ҳар ойда бир марта халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши фаолиятига доир мақолалар, депутатларнинг ҳаётлари ва ахлоқи юқори қонунийлик органида пойтахт депутатлик корпуси номидан вакиллик вазифасини ўтаётган Сенат аъзолари билан суҳбатлар уюштириб берилиши кўзда тутилмоқда.

Дастлабки сарҳадни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан парламент юқори палатаси билан ҳамкорликда ўтказилган семинар-тренинг тафсилотлари билан бошланган мақсадга мувофиқ деб топдик. Мазкур ушбу маҳаллий Кенгашлар депутатларининг давлатимиз раёбининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги «Мамакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш — устувор мақсадимиздир» мазмундаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда биринчи гапдаги вазифаларни юзасидан ташкил этилди.

Дарҳақиқат, юқорида кайд этиб ўтилганидек, мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий Кенгашларнинг олдида қўйилган вазифаларни белгилаб олиш мақсадида семинар-тренинглар бўлиб ўтди.

Депутатнинг асосий вазифалари нималардан иборат? Агарда ҳар бир депутат ўз номзоди ёқланиши пайтиданок ҳуқуқ ва бурчлари қаторида зиммасидаги вазифаларни ҳам билиши шарт эканлигини инобатга оладиган бўлсак, сўзимиз бошида кўтарилган савол унчаллик ҳам долзарб қўриқилмагани мумкин. Бироқ шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги шиддатли даврада зиммасидаги тинчлик-осойишталик, барқарор ҳаётни таъминлаш юзасидан масъулиятни чуқур ҳис этаятган ҳар бир инсон, жумладан, сайловчилар ишончини оқлашга бел боғлаган депутат ҳам олдида қўйилган вазифаларнинг амалга оширилишида муваффақиятга эришиш зарурлигини, бу борада доимо такомиллашув мумкинлигини талаб этмоқда.

Олдиндан шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, жойларда маҳаллий Кенгашларнинг парламент юқори палатаси билан биргалликда ўтказилган ўқув машғулотларининг пироварди мақсади ҳар бир депутат ва умуман Кенгаш фаолиятида самарадорлиққа эришишга йўналтирилган.

Мазкур тадбирларнинг Олий Мажлиси Сенатининг фаол иштирокида ташкил этилишида, албатта, маънавий асос бор. Яъни мамлакатимиз, Олий Мажлисининг юқори палатаси вакиллик органи ҳисобланади. Сенат асосан республикамиз ҳар бир минтақаси ҳисмидаги Кенгашлар депутатларидан шаклланади. Бу дегани маҳаллий Кенгаш депутати ва бевосита Кенгашнинг самарали фаолияти Сенат фаолиятининг ҳам таъсирчан бўлишига боғлиқдир. Ўз навбатида, Сенатнинг ҳудудий Кенгашлар билан ўзаро ҳаракатда ишлаши ҳам тўлиқ қонуний асосга эга.

Олий Мажлиси Сенати раиси ўринбосари Мавжуда Ражабова депутат ва маҳаллий Кенгашларнинг парламент юқори палатаси билан уйғунликдаги фаолиятининг ушбу муҳим ҳужжатларига батафсил тўхталиб ўтиб, мамлакатимиз Президентини томонидан парламент икки палатасининг қўшма мажлисида билдирилган тақлиф ва тақдирий фикрлари асосида халқ депутатлари Тош-

кент шаҳар Кенгашининг биринчи гапдаги вазифаларини белгилаб олди.

Кайд этилганидек, Сенат, дарҳақиқат, бу вакиллик органи. Унинг кўпчилик аъзолари халқ де-

ментда овоз ҳуқуқига эга эканлигининг ўзига хос бир қўриғи десак муболаға бўлмайд.

Бундан рўҳланиб ўринли, бироқ ҳар бир депутат авваламбор халқ вакили эканлигини яхши англаб етиши лозим. Депутатга билдирилган ишонч, бу — биринчи навбатда унинг шахсиятига, билим, тажрибаси, фидоқорона меҳнатига, энг аввало, мамлакатимизнинг обрў-эътибори ва раънақи, турмушимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида қўшаётган муносиб ҳиссасига билдирилган ҳурмат ифодаси ҳамдир. Депутат тимсолида сайловчилар у ёки бу сиёсий партияга ҳам ўз ишончини билдирганини эслатиб ўтиш жоиз. Шунинг ҳам унутмаслик лозимки, бу ишонч ҳозирча бир насия. Халқнинг катта умидини депутатлар ўз ҳалол меҳнати билан оқлаши зарур. Депутат обрўси деганда, парламент обрўси, маҳаллий Кенгаш обрўси, моҳиятан мамлакатимиз обрўси эканлиги тасаввур қилиниши шубҳасиз. Давлатимиз раёбири томонидан халқ вакилларига мана шундай юксак баҳо берилигани алоҳида эътироф этиш лозимдир.

Семинарда халқ депутатлари Кенгашининг маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органи сифатидаги мазмун-моҳияти тушунириб ўтилди. Ўзбекистон Конституциясининг 99-моддасига қўра ҳоким томонидан бошқариладиган халқ депутатлари Кенгаши ўз ваколатларини давлат ва фуқароларнинг манфаатларини ифода этган ҳолда амалга оширади. Кенгашнинг сайлов орқали ташкил этилиши унинг вакилик ҳусусиятларини яққол намоён этади. Фуқаролар ушбу оғанда ўз вакиллари билан сўров юзасида сайловчи билан сўровчи рақиб бўлиши мумкин. Бу дегани, Кенгашга сайланаётган депутатлар ўз ваколатларини бевосита сайловчилардан олади ва фаолиятини амалга ошириш жараёнида сайловчилар номидан иш юритади. Мутасарр қилиб айтадиган, депутат халқнинг давлат ҳокимияти органларидаги ваколатли вакили ҳисобланади. Маҳаллий давлат ҳокимияти фаолияти ҳам шундан давлат ва фуқароларнинг манфаатлари ўзаро ҳамбарқарорлиқда амалга оширилади.

Семинарда қайта-қайта таъкидланганидек, Кенгаши фаолиятида биринчи гапда асосий эътибори фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари таъминлашига, иқтисодий-иқтисодий соҳаларнинг барқарор ривожланишига қаратиши лозим. Ушбу

лар мажлисларини қақриш тартиби қандай? Семинарда мутахассислар томонидан ушбу йўналишда батафсил маълумот берилди, бу борада депутатлик фаолиятида тажрибага эга депутатларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам тингланди. Депутатлик мақоми ва депутатлик сўровномасига оид масалалар мунозарали, баҳсларга бой тарзда кечди. Айтиб ўтиш ўринлики, айнан шу масалалар нафақат янги сайланган депутатлар, балки яна бир бор ишончга сазовор бўлган депутатларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Муҳокамалар давомида депутатлик одобини сақлаш масаласига ҳам алоҳида ўрғу бериб ўтилди. Бу борада «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутати мақоми тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида белгиланганидек, депутат ҳар қандай вазиятда одоб қоидага қатъий риоя этиши лозим, ўз мақомидан фўқароларнинг ҳаёти ва давлатнинг қонуний манфаатига зиён етказадиган тарзда фойдаланишига йўл қўймаслиги кераклиги ўқитиб ўтилди.

Мазкур қонун депутатнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати мўҳрбаса қилиш бораберида унинг фаолиятини ҳам қафолатлайди. Депутат дахлсизлик ҳуқуқига эгадир. Семинарда бу борада қайд этилган қонуннинг тегишли моддалари амалиёти мутахассислар томонидан тушунириб берилди.

Депутат сўровини расмийлаштириш тартиби қандай? Депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатига қирадиган масалалар юзасидан асосланган тушунириш бериши ёки ўз нуктаи назарини бекор қилиш талаби билан сўров юзасида ҳаққидир. Айтиб ўтилганидек, мансабдор шахс депутат сўровига вақтида ёки тўлиқ жавоб қайтармагани ҳолда Мажбурий кодексга биноан жавобгарликка тортилиши мумкин.

Депутат ўзининг сайлов округи тасарруфидан ташқарида истиқомат қилувчи фуқароларнинг мунозараси бўйича қандай мунозарани юзасида қандай вазиятда депутатлик одобига риоя этган ҳолда аввал тегишли округ депутатини хабардор қилиши, зарурат бўлса, тегишли доимий комиссия ёки партия гуруҳига маълумот бериб, сўнг тегишли ҳаракат қилиши тасвия этилади. Семинарда «Адолат», «Миллий тикланиш», ХДП, ЎзЛиДеП — тўртта сиёсий партиянинг шаҳар депутатлик корпусидан вакиллари билан иборат алоҳида гуруҳлар ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Ташкилотчилар ва иштирокчилар мазкур семинар ўз вақтида ташкил этилганини эътироф этиб, шубҳасиз, Кенгаш фаолиятида таъсирчан воқеа вазифасини ўташга ишонч билдиришди.

Бугунги кунда янги сайланган депутатлар сифат жиҳатидан янгилик сиёсий, иқтисодий-иқтисодий шароитда фаолият юритиши зарурлиги барчага яхши равшан, — деди тадбирга яқун ясаган халқ таъкидлаб Мавжуда Ражабова. — Давлат ва жамият қурилиши жараёнида ўзининг мияти ва қамровига қўра улкан вазифаларни амалга ошириши лозим. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган оғир бир даврда иқтисодий-иқтисодий янги барқарор ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва «техник жиҳатдан қайта» жиҳозлаш бораберида ишлар илҳом давом эттирилиши зарур. Бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда мамлакатимиз ҳавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, тинч-осойишта ҳаётни сақлаш вазифалари барчадан юқори масъулиятни талаб этади. Бироқ, бунинг замирида бугунги ва эртанги кўнимиз фаровонлиги, порлоқ келажакимиз мўжасам этилган.

Бу борада, албатта, депутатлар ҳам биринчи гапда тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш масаласида ўзларини масъулиятлари катта эканлигини унутмасликлари керак. Умуман олганда, ҳар қандай шароитда халқ вакиллари ташаббускор, мунтазам илҳомли бўлиши лозим. Шу билан бирга ҳар бир депутат, ҳар бир сиёсий партиядан сайловчилар олдидаги мажбуриятларини бажариш талаб этилади. Улар ўз овозини аввало мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, сиёсий-иқтисодий ҳаётини демократлаштириш, бозор муносабатларини чўқурлаштириш, тинчликсевар ташқи сивас олиб бориш учун берган ва эндиликда депутатлар ва сенаторларга, илҳомлар тақдир учун масъул бўлган барча инсонларга катта умид ва ишонч билан қарамоқда. Бундай юксак ишонч оқлаш барча учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Икки кун давом этган семинар-тренинг мана шундай хотимада яқундан.

АСОСИЙ ВАЗИФА — ЮКСАК ИШОНЧНИ ОҚЛАШ



платлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутати сифатида мамлакатимиз олий қонун чикарувчи органида ана шу маҳаллий Кенгашнинг ваколатли вакиллари ҳисобланади ва улар олдида ҳисоб бериб боради. Шу боис ҳам сенаторларнинг ўз фаолиятида, қонунлари мўҳокама этиш ва қарорлар қабул қилишида, биринчи навбатда, умумдавлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, қонунлари ўзлари вакили бўлган ҳудуд ва минтақалар манфаатлари нуктаи назаридан қўриб чиқишлари тўлиқ қонуний асосга эгадир. Иш жараёнида Сенат томонидан бирон-бир қонун қайтарилган тақдирда, агарда тақдим этилган лойиҳаларнинг моҳияти ва маъно-мазмунини бунга қўйи ва юқори палаталар келишув комиссиялари доирасида бах-мунозаралар кузатилади, бундай жараёнларни, давлатимиз раёбири алоҳида ўрғу бериб ўтганидек, парламент ишини демократик тамойилларга мос ва хос, демакки, табиий дея қабул қилиш даркор. Буни эса, ўз навбатида, маҳаллий Кенгаш депутатининг ҳам парла-

вазифаларнинг долзарблигидан келиб чиқиб, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфига олтига йўналишда — маҳаллий бюджетнинг шакллантириш ва оқибати, иқтисодий илоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш; қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш; иқтисодий-маданий ривожлантириш; коммунал хўжалиги ва атраф-муҳитни мўҳофазаси қилиш; ёшлар сиваси ва соғлом авлод; санаят, транспорт, қурилиш, алоҳида ва алоҳида хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиялар тузилиши. Мазкур комиссияларнинг тарихий депутатларнинг касбий ва жамоатчилик фаолиятидаги қўнималаридан келиб чиқиб шакллантирилгани ҳам самарадорлиққа эришишга аҳамиятга молик.

Беш йилга сайланган Кенгаш ҳамда доимий комиссиялар ўз ишини қандай юритиши лозим? Кенгаш ва доимий комиссиялар қабул қилаётган қарорларнинг моҳияти нимада? Халқ депутатлари Кенгаши сессияларини ва доимий комиссия-

ДОИМИЙ КОМИССИЯ: МАЗМУН ВА МОҲИЯТ

Садриддин ТУРОБЖОНОВ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ёшлар сиваси ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси раиси:

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига асосан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига таалуқли масалаларни олдиндан қўриб чиқиш ва таёрлаш, Кенгаш қарорларини, албатта, қонун ҳужжатларини ҳам амалга оширишга қўмаклашиш ва ўз ваколати доирасида юқори нозорат қилиб бориш вазифаларини бажариш учун доимий комиссиялар тузилади.

Халқ депутатлари Кенгашининг олтига доимий комиссияси ўз фаолиятини тегишли талаблардан келиб чиқиб ҳамда Кенгаш томонидан тасдиқланган махсус низомига мувофиқ юритади.

Семинарда ҳар бир доимий комиссиянинг вазифалари хусусида тўхталиб ўтилди. Айни пайтда Ёшлар сиваси ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссия ташкилий йиғилишидан кейинги амалий фаолияти билан боғлиқ илк йиғилишига тайёргарлик кўрмоқда. Кун тартибига Баркамол авлод йилида кўзда тутилган дастурий вазифаларнинг бажарилиши киритилмоқда. Йиғилишга мутасабди идоралар, жумладан, шаҳар тизимидаги таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари тақлиф этилади. Асосий эътибор ўш авлод манфаатларини таъминлашига оид меъёрий-ҳуқуқий негизни такомиллаштириш, оила, оналик ва болалиқни мўҳофазаси қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни қўлайтириш, бу борада айниқса соғлиқни сақлаш тизимида самарадорлиққа эришиш масалаларига қаратилади. Бундай долзарб масалаларнинг ҳал этилишида ҳамжиҳатликка эришиши баркамол авлоднинг тарбиялашдек устувор вазифаларнинг бажарилишида ўзига хос оим бўлади.

Шу кунларда комиссия аъзолари топшириқ бўйича жойларда тегишли масалаларни ўрганиш билан машғуллар. Комиссия ўз ваколати доирасида у ёки бу зарур ҳужжатларни, ёзма ҳисобот ёки маълумотларни давлат идоралари ва жамоат ташкилотларидан, мансабдор шахслардан талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Шунингдек, иқроия ҳокимияти бошқаруви органлари бўлимлари, бошқармалари тасарруфидига қўра ва муассасаларнинг иш фаолиятини ўрганиш ҳам ваколатлидир.

Доимий комиссиялар Кенгаш фаолиятидаги ташкилий-ҳуқуқий шакллardan бири бўлиши қаторида депутатлар ва фуқароларни давлатни бошқаришга жалб этишнинг муҳим воситаси ҳам бўлиб хизмат қилади.

САЙЛОВЧИ ТАКЛИФ ВА ТАЛАБИ — ЭЪТИБОРДА

Эркин ТОШЕВ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзЛиДеП гуруҳи раҳбари:

«Мамлакатимиз Президентини Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сиёсий партияларнинг иқтисодий-сиёсий ҳаётдаги ўрнига баҳо берав эканлар, уларнинг олий қонунчилик органи, жойлардаги ҳокимият вакиллик органи фаолиятидаги роли ва таъсири сезиларли даражада ошганини алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилишидаги амалий ролини қўлайтириш масаласига эътибор қаратилган ҳолда, муаммолар ҳамда камчиликларни ҳам қайд этилди.

Бизнинг бош мақсадимиз — партия электорати манфаатларини илгарти суришидир. Албатта, бу жараён кўпчилик манфаатига эид бўлмаган равишда кечмоки лозим. Сиёсий партияларнинг фаолияти, улар ўртасида рақобатнинг қўлайлиши соғлом шароитда ўтиши даркор.

Маҳаллий Кенгашларда партия гуруҳлари ташкил этилишининг ўзи сиёсий партияларнинг нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради. Ҳар бир партия ўз вазифаларини ҳаттоки маҳаллий Кенгаш даражасида ҳал этиш имкониятига эга. Бироқ бу борадаги вазифалар албатта электорат, яъни сайловчилар манфаатига йўналтирилган бўлиши шарт.

Семинарда айниқса биринчи марта сайланган депутатлар, жумладан мен ҳам Кенгашнинг аввалги қақриқларда ортирган тажрибасидан воқиф бўлиб, шунингдек, бугунги кун талабидан келиб чиқадиган вазифаларга оид қўллаб қўйиладиган олдид.

Таъкидланганидек, биз, депутатлар ўз фаолиятимизда электоратни йўналтираётган иқтисодий-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни қўришга бутун диққат эътиборимизни қаратишимиз даркор.

Шунинг ҳам айтиб ўтмоқчиманки, жойларда фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, уларни ташвишга солаётган муаммоларини ўз вақтида ҳал этишда маҳалланнинг таъсири ва аҳамияти ортиб бормоқда. Демак, ўз фаолиятимизда биз кўпроқ маҳаллага ҳам суяниб иш олиб борсак, фойдадан холи бўлмайди.

АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР ДАВРИ

Учкун ШАЙИМКУЛОВ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари:

«Ҳақиқатан ҳам, бугунги давр депутатлардан ҳам, партиялардан ҳам «ислохотларни амалга оширишдаги стратегия тўғрисида»ги жиҳатдан қўллаб-қувватлаймиз» деган умумий гаплардан амалий фаолиятга ўтиш, чуқур ўйланган, муқобил, рақобатдош лойиҳаларни ва аниқ мақсадли вазифаларни ўзида мўжасам этган дастурларни тақлиф этишни, шу тариқа фаолият билан иш олиб боришни талаб этмоқда. Мамлакатимиз Президентини таъкидлаб ўтилганидек, электорат билан иш олиб боришда ҳам замонавий усуллардан, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланишимиз, партиявий наҳрларни эса мунозаралар минбарига айлантиришимиз зарурдир.

Шу билан бирга депутатлар, жумладан Тошкент шаҳар Кенгаши олдида бошланғич босқичда ташкилий жиҳатдан муҳим масалалар туради. Ҳар бир депутат, айниқса биринчи марта бундай юксак ишончга сазовор бўлганлар ҳужжатлар билан ишлаши, хусусан, уларни тўғри тузиб, расмийлаштиришни ўрганиши лозим.

Семинар кун тартибидан ушбу масалани депутатлик гуруҳлари иш ҳужжатларини доирасида қўйиш ҳам беғиз эмас. Масалан, у ёки бу йиғилиш, жойлардаги учрашувлар юзасидан баённоманинг қанчалик тўғри тузилгани партия гуруҳининг ҳам, депутатнинг ҳам иш фаолияти кўзуси дея қабул қилинади, десак адашмаймиз.

Том маънода саводди расмийлаштириш ҳужжатлар биринчи гапда депутатнинг зиммасидаги вазифаларни, шунингдек, маълум бир ҳужжат бўйича топшириқларни бажаришда масъулиятини оширади.

Семинар Кенгашдаги партия гуруҳлари ва ҳар бир депутатнинг фаолиятини оширишга яхши туртки бўлди деб ҳисоблайман.

АҲОЛИ МАНФААТИ — БАРЧА НАРСАДАН УСТУН

Хайридин ФАЙЗИЕВ, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи:

«Мустақилликка эришган давлатда давраданок янги давлат шаклланаётган давлат ва жамиятнинг ҳуқуқий асослари яратилишида давлат органлари, жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти асосларини мустаҳкамлаш вазифаси долзарб деб белгиланганди.

1992 йил 4 январда «Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниб, мамлакатимизда маҳаллий ҳокимиятнинг икки мустақил органи — вакиллик ва иқроия органлари тизими ҳамда жойларда яққа бошчилик асосида иш олиб борадиган ҳоким лавозими жорий этилди. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Конституцияси билан маҳаллий давлат ҳокимияти асослари мустаҳкамланди. Мамлакатимизда давлат ҳокимияти тизимининг қонун чикарувчи, иқро этивчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланиши маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимининг юзага келишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, жойларда вакиллик ҳамда иқро ҳокимияти органларидан иборат мустақил тузилмаларни вужудга келтирди. Натихада маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи — халқ депутатлари Кенгашларининг фаолияти сифат жиҳатидан янгиланишига эришилди.

Нима учун бу ҳақда бугун алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз? Авваламбор қонунчилик бодада пухта билимга депутатларнинг ўзлари эга бўлишлари лозим. Қолаверса, нафақат билишлари, балки яхши англаб етишлари, айниқса уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий ҳужжатлар моҳиятига чуқурроқ кириб боришлари зарурдир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сайлов тизими, партиялар ва депутатларнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаётида тутган ролини оширишга, Кенгашлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилиб, бу борада олтига қонун ҳужжатлари ва улара қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳамда уларни янада такомиллаштириш юзасидан яна шунча қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

1993 йилда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида», 2004 йилда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилиниб, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда депутатлик фаолиятининг асосий қафолатлари аниқ ва равшан белгилаб қўйилди. Айниқса қайд этилган иккинчи қонунни ҳар бир депутат учун энг устувор бўлиб қолиши лозим деб биламан.

Депутатнинг ўз ваколатини бевосита халқдан олиши ва халқнинг манфаатларига хизмат қилиши — бу демократиянинг муҳим қўриқларидан биридир. Мамлакатимиз Президентини таъкидлаганларидек, «Депутат бўлишни истаган одам, аввало, ҳалол ва поклиги, маънавий етуқлиги, теран билими, қобилияти, эл-юрт манфаатини шахсий манфаатидан устун қўйиш каби хусусиятлари билангина сайловчиларнинг ишончига сазовор бўлиши мумкин».

Депутатлар учун ташкил этилган икки кунлик семинар давомида адлия тизими мутахассислари тегишли қонунларни тўлақонли шарҳлаб беришди. Бундан кейин ҳам бу борада халқ депутатлари шаҳар Кенгаши билан яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёرمиз.

ҲАР БИР ФАОЛИЯТДА ТАШКИЛИЙ КУМАК ДАРКОР

Иқромбек БЕРДИБЕКОВ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташкилий-нозорат гуруҳи раҳбари:

«Кайд этилганидек, маҳаллий ҳокимият органлари ўз фаолиятини давлат ва фуқаролар манфаатларини кўзлаб юритади. Шундангина давлат манфаати билан фуқаролар манфаати ўртасида муштарақлик вужудга келади.

Семинарда халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллий давлат ҳокимиятининг ваколатли органлари сифатидаги аҳамияти ва вазифаларига тўхталиб ўтилди. Шу билан бирга ҳокимият ўзининг вакиллик органига ташкилий жиҳатдан ҳар томонлама қўмаклашиши лозимлигига алоҳида ўрғу берилди.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасида белгиланганидек, халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг асосий иш шакли сессия ҳисобланади. Сессия ҳоким томонидан заруратга қараб бир йилда камида икки марта қақрилади. Ўз навбатида, тегишли ҳудуддаги иқтисодий-иқтисодий ва бошқа ривожланиш йўналишларига доир тезда ҳал этилиши талаб қилинаётган долзарб масалаларни қўриб чиқиш мақсадида режада мўлжалланган ташқари сессиялар қақрилиши Кенгаш фаолиятининг самарадорлигини оширади, қолаверса, депутатларнинг ҳам янада фаолаштиришга бир турткидир. Ҳозирги вақтда маҳаллий Кенгашлар учун белгиланган депутатлар сони ҳам (шаҳар Кенгаши корпуси 60 та депутатдан шакллантирилган) Кенгаш сессияларини теъорик билан ташкил этиш имконини беради.</

ТАШАБУСКОРЛИК ВА ФАОЛЛИК РАФБАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Ташаббус - 2010" танлови голибларнинг номлари эълон қилинди. Уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг савринлари - "Матиз" автотомобиллари тантанали равишда топширилди.

"Энг яхши тадбиркор" йўналишида голибликни қўлга киритган Қашқадар вилояти Яққаб туманидаги "Турон-Бунёдкор-Курилиш" инжиниринг компанияси раҳбари Эркин Тўхтаев мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилган қўлай шартот ва имтиёزلардан унумли фойдаланмоқда. Корхонада бозор талабига мос, харидоригир қурилиш материаллари ишлаб чиқарилаётган. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 19 июнда қабул қилинган "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида яратилган қўшимча имтиёз ва кафолатлар мазкур корхона учун ҳам аниқ муваффақ бўлди.

— Берилган имтиёзлар ҳисобига корхонамиз иштирокида қолган маблағлардан унумли фойдаланиб гишт ва деворга ишлатилган бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, — дейди Э.Тўхтаев. — Натижада корхонамизда қўшимча яна қирқта янги иш ўрни яратилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги фермер етиштирган маҳсулотини ўзи қайта ишлашни йўлга қўйиши, шу орқали қишлоққа саноатни олиб кириши ва пировардида аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиши керак. "Ташаббус - 2010" танловининг "Энг яхши фермер" йўналишида бош совринни қўлга киритган Наманган вилояти Косонсой туманидаги "Чашмаи Сафед" фермер хўжалиги раҳбари Ҳамидхон Мўйдинхўжаев ўз фаолиятини шу асосда ташкил этган. Айна пайтда хўжалиқда сутни қайта ишлаш йўлга қўйилиб, 12 турдаги сут маҳсулотлари чиқарилмоқда.

"Энг яхши хўнараманд" йўналишида ёғоч ўймакорлиги устаси пойтахтлик Камолдин Раҳимов биринчи ўринни эгаллади. Хўнараманд томонидан тайёрланган курси, лавх, қўти каби маҳсулотлар нафислиги, пухталиги ва бежиримлиги, миллий ўймакорлик анъаналарини ўзида мурасам этгани билан юқори баҳоланди.

"Ташаббус - 2010" танлови голиб ва совриндорларига диплом ҳамда мукофотлар топширилди. Қўлга киритилган гала-бала уларга халқроқ танловлар, ярмаркалар, семинарларда иштирок этиш ҳуқуқини, ўз йўналишлари бўйича чет элда малака ошириш имкониятини беради.

"Ташаббус - 2010" кўрик-танлови голиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерти билан яқунлади. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов сўзга чиқди.

Хусниддин БЕРДИЕВ,
ЎЗА мухбири

Газетхонларимиз шoir ва драматург Ҳайдар Мухаммаднинг ижоди билан яхши таниш. Кейинги пайтларда адаб жўшқинлиги ва гайрат билан ижод қилишни давом эттирмоқда. Яқинда унинг кетма-кет учта китоби нашрдан чиқди. Бизнинг Ҳайдар МУХАММАД билан суҳбатимиз ҳам ижодкорнинг янги китоблари, бугунги кундаги ёшлар ижоди ҳақидаги фикрлари, театр санъатининг истиқболлари хусусида келди.

— Ҳайдар ака, етмиш тўрт баҳорни қаршилаган бўлсангиз ҳам ҳамон зўр гайрат билан ижод қилаясиз. Бундай жўшқинликнинг сирини нимада?

— Ҳа, ушбу юртларидан биринчи ўтказилган учрашувда «Одамнинг ёши улуг бўлса ҳам шеър ёзганими?» деган саволига жавобан янги ёзган шеъримни ўқиб берганим. Кимнинг ёши кексайиши мумкин, лекин руҳ қаримайди. Агарда руҳ қариса инкироздан далолатдир. Аслида ижод фикр ва илҳом келишига боғлиқ. Ижодкор ҳозир ўтириб шеър ёзиш керак, ақл билан уйқуриш керак. Шундангина ёшларимиз сценарий ёзишнинг профессионал даражасига чиқишлари мумкин. Яқинда «Ўзбекино» миллий агентлигининг бош директори Аъзам Исоқов билан учрашиб, шу ҳақда фикрлашдик. Мазкур китоб бу борадаги бўшлиқни оз бўлса-да тўлдирса, бошим кўкка етарди.

— «Ҳикматлар ўйлади» китобим эса бир умрлик тажрибаларимнинг ҳосиласидир. Умр бўйи ёзиб юрган тўртликларим, бугунгача битилган ҳикматлар ушбу китобдан урин олган. Уйлайманки, улардаги фалсафий фикрларнинг ёшлар учун тарбиявий аҳамияти бор.

— Бугунги кунда наср ва назм соҳасида ижод қилаётган ёшлар ҳақида фикрларингиз.

— Азалдан халқимиз орасидан буюк ижодкорлар етишиб чиққан ва бу жараён улусиз давом этмоқда. Шеърят ҳамда насрдаги етук ижодкорларимиз ва буюк

лабки «Изор» тўплами нашрдан чиқди. Мазкур олий ўқув юрти аспирантурасида таҳсил олаётган яна бир иқтидорли талаба Гулчехра Муфтизода драматургия ҳақида қалам тебратиби, ўзининг илк пьесасини ёзди ва у кўпчиликка маъқул бўлди.

— Хоразмлик Фарида Бобононовани ҳам пьесалари сахналаштирилган. Яна бир иқтидорли ёш драматург Бекмурод Бардошнинг асарлари ҳозирда Сирдарё театрида кўйилмоқда.

— Сизнингча, ўзбек театр санъатининг аввалги мактебини тиклаш учун нималарга эътибор қаратиш керак?

— Театр санъати ривожини албатта драматургияга боғлиқ. Ўз навбатида, театрда драматургиянинг ривожини режиссёр мумкин ўрин тутди. Ўзбек театри тарихига назар ташласангиз, энг буюк режиссёрлар драматургларнинг кашф қилганини кўрамиз ва шу тараққа ўзбек драматургияси шаклланди. Масалан, Маннон Уйғур, Тошхўжа Ҳўжаевлар дастлабки драматургларни кашф этишган ва

Наврўз шукуҳи

Наврўзи олам азалдан покизалик, орасталик, меҳр-оқибат, хайру саховат тимсоли бўлиб келган. Ота-боболаримиз бундай кунларда хонадонлар, кўча ва маҳаллаларни ораста қилганлар, етим-есирлар, бева-бечоралар, хаста-ю муҳтожларга меҳрибонлик, саховат ва мурувват кўрсатишга шошилганлар, гина-кудуратлар унутилган.

МАҲАЛЛАДА ҚЎШ ТАНТАНА

Бундай меҳр-оқибатни юртимиздаги маҳаллаларда давом этаётган Наврўз байрамларида кузатиш мумкин. Мирзо Улуғбек туманидаги «Шўртена» маҳалласида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналари ҳам кўпчиликка яхши таассурот қолдирди. Негаки бу ерда байрамга аввалдан пухта ҳозирлик қилинди. Баҳорнинг дастлабки кунларидан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Ҳашарлар ташкил этилиб, ариқ-зовурлар то-

заланди, кўплаб манзарали ва мевали дарахт қўчалари ва анвои гуллар экилди.

Байрам эса қарнай-сурнай садолари остида бошланди. Дастурхонга сумалак, кўк сомса ва баҳорнинг тансиқ таоми — ҳалим тортилди.

— Наврўз — меҳр-оқибат байрами, — дейди «Шўртена» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мухиддин Турсунбоев. — Шу боис кексаларни эъзозлаш, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззат

Меҳр-оқибат, қадр-қиммат айёми бўлиши Наврўз байрамнинг саховатга йўғрилган тадбирлари айни кунларда давом этиб, кўнгилларга бир олам қувонч улашмоқда.

МЕҲРДАН КЎНГИЛ ЯЙРАДИ

Куни кеча 21-Меҳрибонлик уйда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг шаҳар Кенгаши томонидан ўтказилган маданий-маърифий тадбир ҳам болажонларнинг миллий қадриятларимиз тимсоли бўлган Наврўз ҳақида янада яхшироқ билишлари, бағрикенглик ва меҳру-оқибат тимсолидан баҳра олишларига хизмат қилди. Чиройли байрам дастурхони атрофида, шўх-шодон ўйин-кулгулар билан ўтган ушбу тадбирда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва воёга етмаган ўсмирлар Юнусобод туман маданият уйи ҳаваскорлари ижросида янраган куй-қўшиқларга рақога тушиб, ташкилотчиларга самимий миннатдорчиликлар билдирдилар.

— Баркамол авлод йилида бундай тадбирларни нафақат байрамларда, балки имкон борича тез-тез ўтказиб туришни режалаштирганмиз, — дейди «Ватанпарвар» ташкилотининг шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Иззат Яманов. — Тасарруфимизда ўқув спорт-техника клублари ва бирлашган техника мактаби бор. Биз корхона, ташкилот, ўқув муассасалари ва маҳаллалар билан ҳамкорликда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида, она Ватанга садоқатли қилиб тарбиялаш ва техник мутахассисларни тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш бўйича иш олиб борамиз. Бундан ташқари, ўсмир ёшлар, тарбияси оғирроқ бўлган воёга етмаган болаларни спорт тўғрисидаги жалб этган ҳолда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Мақсадимиз келажак авлод вақилларининг жисмонан ва маънан баркамол бўлиб воёга етишларига муносиб ҳисса қўшишдир.

Шoиpa МУХАМЕДОВА

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА УЙҒУН

Баҳор ва янгиликнинг айёми — Наврўзи олам шодийоналари Шайхонтоҳур туманидаги Олим Ҳўжаев номи маҳаллада ҳам ўзига хос тарзда нишонланди.

Маҳалладаги «Наврўз ва миллий қадриятлар» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир шу ҳудуддаги 18-болалар ва ўсмирлар олимияти заҳиралари мактабининг футбол, кураш, дзюдо, қиличбозлик бўйича ёш спортчиларнинг кўргазмили чиқишлари ва халқ миллий ўйинлари билан бошланди. Келажакимиз давомчилари бўлган ёш спортчилар маҳорати йиғилганлар қалбига илқилик бағишлади. Маҳалла ўқувчи-ёшларининг бадий чиқишлари ҳам қатнашчилик дилларини хушнуд этди.

Маҳалладошлар ва байрам тадбирига ташриф буюрган меҳмонларни Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари Сурайё Пулатова кутлади. Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари, педагогика фанлари доктори, профессор Мухаммаджон Қуронов Наврўзи оламнинг миллий қадриятларимизга сингиб кетганлиги ҳақидаги фикр-уйларни билан ўртоқлашди.

Байрам тадбири давомида маҳалланинг ёш спортчилари тақдирланди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулла Шомарунов бошчили-

кўратиш, маҳаллаларда ҳеч қимми эътиборсиз ва қаровсиз қолдирмаслик каби азалий қадриятларимиз ривож топмоқда. Шу байрам жараёнида маҳалламиздаги уруш қатнашчилари, жисмоний имконияти чекланганлар ва беморлар ҳолидан хабар олинди. Уларга моддий ёрдам кўрсатиш билан бирга ноз-неъматлар ҳам тарқатилди. Хурсандчиликнинг яна бир боиси — маҳалламизда истиқомат қилаётган 37 нафар ёш ўғил-қизнинг мучал тўйлари ҳам ўтказилди.

Тинчлик ва ҳамжиҳатлик ҳукмрон, фидойилик, изланиш, ташаббус ва ҳалол меҳнат қадрланган жойда кут-баракат бўлади, байрамлар ярашади. Кинорежиссёр Марат Мўқимов шу маҳалла фуқароси сифатида доимо байрамларнинг бадий қисмини ташкил этиб келади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ёш хонанда Бу ижросидаги куй-қўшиқлар байрам иштирокчиларига манзур бўлди.

Шoҳайдар МИРҲАБИБОВ

гидаги «Нола» гуруҳининг чиқишлари даврага файз-тароват бағишлади.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА:

Наврўз шодийоналаридан лавҳалар Ҳакимжон Солиқов олган суратлар



ФЛАНДРИЯДА ЎЗБЕКИСТОНГА БАФИШЛАНГАН КЕЧА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Меҳмонлар ўзбек санъаткорларининг чиқишларини юксак баҳолаб ушбу ранг-баранг кўшиқ ва рақслардан ташкил топган дастур ҳеч қимми бефарқ қолдирмаганини таъкидлашди.

Байрам тадбири меҳмонларга аънавий тарзда ўзбек паловхонтўраси ва Наврўз байрами муносабати билан махсус тайёрланган миллий пазандалик маҳсулотлари намуналари улашилган қабул маросими билан ўз ниҳоясига етди.

Кечанинг кўплаб меҳмонлари ўз таассуротларини изҳор этишди. Хусусан, «Тер-трэвел» компанияси туроператори Силин Ван Гавел «Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьюсида ушбу маросим барчага Ўзбекистоннинг маданияти ва бугунги ҳаёти билан чуқурроқ танишиш имконини берганини таъкидлади.

Унинг сўзларига қўра, ўзбек халқининг бой тарихи ва ўзига хос маданияти европалар туристларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқишининг янада ошишига хизмат қилади. У шунингдек ушбу тадбир, шубҳасиз, бельгияликларни Ўзбекистоннинг маданиятига яқинлаштириш, унинг яхшироқ аниқлаш, иштирокчиларга мамлакат тарихи ва унинг бугунги ҳаёти ҳақида кўпроқ маълумот олиш имконини берганини қайд этди.

«Мамлакатингиз жуда ажойиб. Аминмандки, Ўзбекистонга бориш истагинида бўлган европалар сони йилдан йилга тобора ошаверади», — деди Силин Ван Гавел.

Ўз навбатида, Гент шаҳри маданият маркази директори Петер Маас кеча ҳақида ўзининг қўйидаги муҳоазаларини билдирди: «Мен мамлакатининг аънавий маданиятига бағишланган бугунги тақдиротдан олган улкан таассуротларни оғушида турибман. Маданият халқнинг барча хусусиятларини ўзида тўла мурасам элади. Мен Ўзбекистоннинг ўзига хос маданияти билан бельгияликларни янада кенгроқ таништиришни ўзим учун шараф деб биламан.

Тақдор айтаманки, биз Ўзбекистон билан Бельгия ўртасидаги ҳар томонлама, айниқса, маданий йўналишдаги ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги сый-ҳаракатларимизни давом эттираверамиз».

«Жаҳон» АА,
Брюссель

Сўранг, жавоб берамиз

Яқинда бошимизга оғир мусибат тушди. Кўёвим бевақт оламдан ўтди. Қизимнинг икки нафар фарзанди бўлиб, отасидан қолган меросни расмийлаштириш учун Тошкент шаҳридаги нотариал идораларга мурожаат қилдик. Аммо улар марҳумнинг рўйхатда турган жойига мурожаат қилишимизни айтишди. Тақдир тақозосига қўра, кўёвим ҳаётлигида Тошкентда яшасада, Оқдарё туманида рўйхатда турар эди. Шу боис, меросга доир ҳужжатларни Оқдарё туманидаги нотариал идорага тақдим қилмас, улар Тошкент шаҳридаги нотариал идорада расмийлаштирилиши лозим дедоқлар. Хуллас, ҳозирда қайга мурожаат этишимизни билмай сарсон бўлмоқдамиз. Бу ҳақда маълумот беришимизни сўраймиз.

Р.Солиқов,
Юнусобод тумани

Фуқаролик Кодексининг 1117-моддаси белгиланишича, мерос қолдирувчининг охириги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охириги яшаб турган жойи номалум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

Сиз, агарда марҳум кўёвининг доимий рўйхатда турган жойи Оқдарё туманида ёки номалум бўлса уша тумандаги нотариал идораларига, ёки охириги яшаб жойи ва доимий рўйхати Тошкент шаҳрида бўлса, меросга оид ҳужжатлар билан фуқаролик ишлари бўйича туман суди ва нотариал идораларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Улуғбек СОБИРОВ,
Юнусобод тумани 7-давлат
нотариал идораси нотариуси,
Ёрқиной ВАФОВЕВА,
хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус

Квартира, уй мулкдорлари турар жойга давлоғарлар кўпайишидан чўчиб, масалан, келинларини (ўз ўғилларининг хотинларини) рўйхатдан ўтказмасликка уриниши турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи камситилишига олиб келмайдими?

Ш.Холиқова,
Чилонзор тумани

Тўғри, кейинги вақтларда квартира, уй мулкдорлари турар жойга давлоғарлик қилмасин дея базан ўз келинларини уй дафтарида қайд этмаётган хотинлар учраб турибди. Шу сабабли судлар иш кўраётганда бу ҳолатни албатта ҳисобга олмақда ҳамда низолаштириш турар жойда давлоғар чиндан ҳам доимий яшаганлигини ва бу жойга рўйхатдан ўтказилган унинг иштироки билан бўлганлигини аниқлашга ҳаракат қилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, шу турар жойда яшаганлик фактини тасдиқловчи ҳужжат қўшилар томонидан тузилиб, ўзини ўзи бошқариш органининг муҳри билан тасдиқланган далолатномадир.

Қарз муносабатидан келиб чиқадиган низолар қандай тартибда ҳал этилади?

Э.Мадрохимов,
Бектемир тумани

Ҳар қандай фуқаровий муносабатлар каби қарз муносабатларидан келиб чиқадиган низолар ҳам фуқаролик процессуал кодексининг 31-моддасига биноан, фуқаролик ишлари бўйича судларда қўрилиши керак.

Банкдан кредит олиб, ишлаб чиқариш корхонасини ижарага олмақчиман. Бунинг учун қандай ҳужжатлар керак бўлади? Умуман, бу борада кенгроқ маълумот беришимизни истардим.

Ғиёс Қодиров,
Бектемир тумани

Корхонани ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун мулкнинг махмува сифатида бутун корхона ёки унинг бир қисмини ҳақ эвазига бериш мажбуриятини олади.

Ижарага берувчи ўз қарзларини ижарага олувчининг зиммасига ўтказиш ҳақида кредиторларини ёзма равишда огоҳлантириш шарт, улар бунга рози бўлмасалар, огоҳлантиришни олган вақтдан бошлаб ушбу давомда ижарага берувчидан тегишли мажбуриятларини бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва шу тўғрисида мажбур қарорни қолдани талаб қилишга ҳақли. Агар шу муддатда мажбур талаблардан биронтаси билдирилмаса, кредитор тегишли қарзнинг ижарагага ўтказилишига розилик берган деб ҳисобланади.

Ижарага берувчидан мажбуриятларни бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва зарарни қолдани талаб қилган кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлингандан кейингина корхона ижарагага топширилиши мумкин.

Корхонани ижарага бериш шартномаси Фуқаролик кодексининг 580-моддасида белгиланганлиги, тарафлар имзолаган битта ҳужжат тарзида ёзма шаклда тузилади ва у нотариал гувоҳлантирилиши ҳамда давлат рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Корхонани ишлашти билан боғлиқ ҳаракатлар, шунингдек, ижарага олинган молк-мулкни сўғурталаш бўйича тўловлар, соқиллар ва бошқа мажбурий тўловлар ижарага олувчи зиммасига оқлатилади.

Дилмурод ИБРАГИМОВ,
Яқкасарой туманида хусусий амалиёт билан
шугулланувчи нотариус,
Нозима АБДУСАЛАМОВА,
Ҳолида АКРАМОВА,
Учтепа ва Бектемир туманлари
ФХДБ бўлимлари мудирлари

Мусохаба ЁШ НИҲОЛЛАРДАН УЛКАН ЧИНОРЛАР ЕТИШИБ ЧИҚАДИ

рият муаллифларининг малакасини ошириш учун камида уч ойлик курслар очиб керак. Шундангина ёшларимиз сценарий ёзишнинг профессионал даражасига чиқишлари мумкин. Яқинда «Ўзбекино» миллий агентлигининг бош директори Аъзам Исоқов билан учрашиб, шу ҳақда фикрлашдик. Мазкур китоб бу борадаги бўшлиқни оз бўлса-да тўлдирса, бошим кўкка етарди.

— «Ҳикматлар ўйлади» китобим эса бир умрлик тажрибаларимнинг ҳосиласидир. Умр бўйи ёзиб юрган тўртликларим, бугунгача битилган ҳикматлар ушбу китобдан урин олган. Уйлайманки, улардаги фалсафий фикрларнинг ёшлар учун тарбиявий аҳамияти бор.



лабки «Изор» тўплами нашрдан чиқди. Мазкур олий ўқув юрти аспирантурасида таҳсил олаётган яна бир иқтидорли талаба Гулчехра Муфтизода драматургия ҳақида қалам тебратиби, ўзининг илк пьесасини ёзди ва у кўпчиликка маъқул бўлди.

— Хоразмлик Фарида Бобононовани ҳам пьесалари сахналаштирилган. Яна бир иқтидорли ёш драматург Бекмурод Бардошнинг асарлари ҳозирда Сирдарё театрида кўйилмоқда.

— Сизнингча, ўзбек театр санъатининг аввалги мактебини тиклаш учун нималарга эътибор қаратиш керак?

— Театр санъати ривожини албатта драматургияга боғлиқ. Ўз навбатида, театрда драматургиянинг ривожини режиссёр мумкин ўрин тутди. Ўзбек театри тарихига назар ташласангиз, энг буюк режиссёрлар драматургларнинг кашф қилганини кўрамиз ва шу тараққа ўзбек драматургияси шаклланди. Масалан, Маннон Уйғур, Тошхўжа Ҳўжаевлар дастлабки драматургларни кашф этишган ва

уларнинг асарлари намунавий бўлиб қолган. Режиссёр Рустам Ҳамидов Улмас Умарбековнинг драматург сифатидаги иқтидорини очган ва Миллий театрга унинг 8-9 та пьесаси сахналаштирилган. Ҳозирда ҳам улар эътиборли асарлар сирасига кирди. Турғун Азизов ҳам санъат институти профессори, ҳам режиссёр сифатида миллий асарлар ижодкори Эркин Ҳушвақтовни кашф қилган. Режис-

— Ҳозирда қандай янги асарлар устида ишляясиз?

— Шу кунларда ҳажвий хангомаларни тўплаб, «Табассум Шоший янги Афандим?» китобини тайёрлабман. Шу билан бирга маромига етмаган сахна асарларим устида ишлябман. Болаларга мўлжалланган кўплаб шеърларим, сахна лавҳаларим бор. Уларни ҳам китоб қилиш ниятимдан. Куни кеча «Ишқ» деган янги драмини ёзиб тутатдим. Фикрлар уйғонганда, тўртликлар ёзганман. Ҳар ҳолда ижодим «қайнаб» турибди — мен Ўзбекистон Давлат санъат институтида ёшлар билан ишлябман ва уларнинг жўшқинлиги руҳиятимга ўтпти.

— Баркамол авлод йилида ёш ижодкорларга тилакларингиз.

— Юртбошимиз томонидан 2010 йилнинг Баркамол авлод йили дея эълон қилиниши каттаю кичик барча-барчани шод этди. Инсоннинг комиллиги жамиятнинг гуллашига олиб келади.

Ёшларимизнинг баркамол, етук, илмли, билимли, эл-юртига муҳаббатли, сўзига собит турадиган, аҳди-қасоридида мустахкам бўлишини авлоддан авлодга ўтиб келаётган ирсият деб биламан ва бизнинг баркамол авлодимиз дунёга ўзбек халқининг қилмигини кўрсата оладиган даражага етди. Ҳозирнинг ўзида миллимиз фақат спорт соҳасининг ўзида дунёда ўз мактабига эга эканлигини нуфузли халқроқ мусобақаларда мадҳиямиз янграшино байроғимизнинг кўтарилиши орқали исботлаб берди.

Илм-фан, қўшиқчилик, санъат, адабиёт каби барча соҳаларда ҳам ўзбек ёшлари ўзларини кўрсатишга ва келажакда жаҳонга янада танилашади. Чунки ёшлар камолоти йўлида юртимизда барча шарт-шароитлар яратилди. Ҳеч иккиланмасдан айта оламаники, бугунги ёш ниҳоллардан келгусида улкан чинорлар етишиб чиқади. Бунга ишончим комил.

Дилшод ИСРОИЛОВ
суҳбатлашди

2010 йил — Баркамол авлод йили

МАКТАБДА ОЧИҚ ДАРСЛАР ФЕСТИВАЛИ

Юнусобод туманидаги 150-мактабда март «Очиқ дарслар фестивали» ойлиги деб эълон қилиниши муносабати билан кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Дастлаб очиқ дарслар жадвали ишлаб чиқилди. Унда тажрибали педагоглар таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари жорий этиб, дарс ўтаётган етакчи ўқитувчиларнинг очиқ дарслари режалаштирилди.

Дарсларга ёш педагоглар, оналар ташриф буюришди. «Бошлангич синфларда математика дарсида ахборот-коммуникация технологиясидан фойдаланиш» рухни остида ўқитувчилардан Э.Абдуллаева, Г.Бойматова, М.Илёсова, Ф.Магдиева, С.Урозбоева, Н.Имомқўжаева, А.Зяббарова, О.Нежелская, Б.Мирза-Ахмедова математика, она тили, табиат, ўқиш, меҳнат дарсларини компьютердан фойдаланиб ўтишди. Она тили ва адабиёт ўқитувчилардан Ж.Султонқўжаева, М.Азимбоева, Ш.Бойназарова, Н.Қодирова «Феъл ва унинг тур-

лари», «Жарангли ва жарангсиз ундолар», «Абай насиҳатлари» мавзуларида дарс ўтиб, компьютер техникасидан кенг фойдаланишди. Информатика ўқитувчиси Д.Кўчқорова «Power Point» дастурда амалий машғулотлар, математика ўқитувчиси Н.Абдуллаева «Касрлар» мавзуларида дарс жараёнида техника воситаларидан унумли фойдаланиб, уйғунлаштирилган дарслар кўрсатиб беришди. Меҳнат ўқитувчиси Г.Йўлдошева «Зардўзлик санъати» мавзусида, расм-чизмачилик ўқитувчиси Г.Назуллаева «Табиат манзараси фонидан натюрморт» мавзулари бўйича ўтган дарсларида замонавий техникаларни қўллаган ҳолда ўқувчиларнинг фанга қизиқишини орттирдилар. Ёш педагоглар устозлар дарсидан сабоқ олиб, ўз билим ва маҳоратларини оширдилар. Фестиваль натижалардан фой-

даланган ҳолда мактаб услубий кенгаши томонидан дарс ишланмалари тўплами яратилди.

Мактаб фойесидида барча ижодий ишлар, кўргазмалар қуроллар, дарс ишланмалари ва қўлланмалар бўйича кўргазма ташкил этилиб, ой давомида фаолият олиб борди. Кўргазмадан ўқувчиларнинг ижодий ишлари ҳам ўрин олди. Фарзандлари ясаган кўргазмалар қуроллар айниқса, она-оналарни хурсанд қилди. Ойлик якунида кўрик-танлов ўтказилиб, «Энг маҳоратли ўқитувчи», «Энг изланувчан ўқитувчи», «Энг яхши кўргазмачи қурол», «Энг фаол ўқувчи», «Энг билимдон ўқувчи» номинациялари бўйича голиб ўқувчилар ва ўқитувчилар фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Г.КЎЧҚОРОВА
СУРАТЛАРДА: очиқ дарслар фестивалидан лавҳалар



«01»

БЕПАРВОЛИК ҚИЛМАНГ

Кўпчилигимиз болаларнинг гугурт ўйнашлари оқибатида қандай аянчли воқеалар келиб чиқиши мумкинлигини ўйламаймиз ҳам. Ҳолбуки озгина этиборсизлигимиз, бепарволигимиз туфайли кичкинтойларимиз азоб чекишади, энг ачинарлиси бир умрга ногирон бўлиб қолишади.

Шу ўринда биз юқоридаги каби ҳолларнинг юз бермаслиги учун ушбу қоидаларга амал қилишингизни сўраймиз:

Ёш болаларни, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини узок муддатга қаровсиз қолдирманг. Олов билан ўйнашнинг аянчли оқибатлари ҳақида болаларга доимо тушунтириб бординг.

Болаларнинг қўли етадиган жойларда гугурт, сигарета, ёндиргичлар, бошқа турдаги ёндириш воситаларини қолдирманг.

Назоратингизсиз болаларга оловдан (гугурт, шам, бенгал чироғи) фойдаланишга рухсат берманг.

Шамдан фойдаланиш зарурияти туғиладиган бўлса, бу ҳолда унинг учун ёнмайдиган каттароқ асос (шамдон) танлаб олинг, шамнинг шамдонга маҳкам ўрнатилганга, ёнаётганда эгилмаётганлиги ва бирон-бир ёнувчи материалга тегмаётганлигига амин бўлинг. Ёнаётган шам билан чордоққа, омбор ва ертўларга киришга йўл қўйилмайди.

Кўп микдорда ёнувчи ва енгил алангаланувчи моддалар мавжуд бўлган қурилишлар, ертўлалар, чордоқ ҳамда омборлар яқинида болаларнинг ўйнашга йўл қўйманг.

Илҳом МИРЗАЕВ,
Миробод тумани ИИБ
ЁХБ инспектори, сержант

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳрида табиий газдан фойдаланувчи улгуржи истеъмолчилар ва иссиқлик таъминоти корхоналари диққатига!

1. 2010 йил 1 апрелдан табиий газ учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2010 йил 29 мартда тасдиқланган янги тарифлар жорий қилинади.

Улгуржи истеъмолчилар учун табиий газга ўрнатилган Улгуржи нарх
Регистр № 19-03-22-05-УзР-9-2010
Нархлар қайди
2010 йил 1 апрелдан жорий қилинади

Улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган табиий газ нархи	Ўлчов бирлиги	Улгуржи нарх, қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) билан (сўм)
Улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган табиий газ нархи	1000 м.куб	84 900

Изоҳ:

- Табиий газ бериш калория учун қайта ҳисоб-китобсиз амалга оширилади.
- Улгуржи истеъмолчилар учун табиий газга ўрнатилган улгуржи нарх газнинг физик-кимёвий кўрсаткичларидан қатъи назар ягона ҳисобланади.
- Электр станциялари ва иссиқлик таъминоти корхоналари учун табиий газга улгуржи нарх алоҳида ўрнатилади.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 июндаги ПҚ-646 сонли Қарорига асосан пишк гашт, қурилиш учун гипс, гипскартон плиталар, сиртки безак берувчи плиталар ва сопол черепицалар ишлаб чиқарувчи корхоналар учун табиий газнинг улгуржи нархи 2007 йил 28 мартдаги 19-03-22-05-УзР-16-2007 сонли нархлар қайди бўйича қолдирилади. Бунда, ўзларидида мавжуд ностандарт, иқтисодий жиҳатдан тежамсиз печларни энергияни тежайдиган махсус технологияларга алмаштираманг, шунингдек, белгиланган лимитдан ортиқ табиий газ истеъмол қиладиган пишк гашт ишлаб чиқарувчи корхоналарга табиий газ бериш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 июндаги ПҚ-1134 сонли Қарорига асосан 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб амалдаги улгуржи нархлар бўйича амалга оширилади.
- Табиий газга ўрнатилган ушбу нархлар реестри жорий қилинган пайтдан бошлаб, 2009 йил 29 июндаги 19-03-22-05-УзР -23-2009 сонли нархлар реестри ўз кучини йўқотади.

Иссиқлик таъминоти корхоналари учун табиий газга ўрнатилган улгуржи нарх
Регистр № 19-03-22-05-УзР-10-2010
Нархлар қайди
2010 йил 1 апрелдан жорий қилинади

«Иссиқлик манбаи» корхоналари учун етказиб бериладиган табиий газ нархи	Ўлчов бирлиги	Улгуржи нарх, қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) билан (сўм)
«Иссиқлик манбаи» корхоналари учун етказиб бериладиган табиий газ нархи	1000 м. куб	66 000

Изоҳ:

- Ушбу реестрда кўрсатилган табиий газга ўрнатилган улгуржи нарх ОАО «Таштеплоцентрал», ПО «Таштеплоэнерго» ва ОАО «Ташкентская теплоэлектроцентрале» корхоналари учун жорий қилинади.
- Табиий газ бериш калория учун қайта ҳисоб-китобсиз амалга оширилади.
- Табиий газга ўрнатилган ушбу нархлар реестри жорий қилинган пайтдан бошлаб, 2009 йил 29 июндаги 19-03-22-05-УзР-25-2009 сонли нархлар реестри ўз кучини йўқотади.

«Тошкентгазтаъминот» УК «Тошкентшаҳаргаз» филиали.

Табиий газдан фойдаланувчи Тошкент шаҳри аҳолиси диққатига!

2010 йил 1 апрелдан табиий газ учун аввал тасдиқланган тарифлар (2009 йил 28 сентябрдаги № 19-03-22-05.УзР-35-2009 реестр) ўрнига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2010 йил 23 мартда тасдиқланган янги тарифлар жорий қилинади.

Умумий кўрсатмалар
1. Ушбу нархнома тарифлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидидаги аҳолига бериладиган табиий газга тааллуқли.

2. Аҳоли томонидан уйлар ва хонадонларни яқка тартибда иситиш учун фойдаланилган табиий газ ҳақи, иситиш газ асбобидан қатъи назар, иситиш мавсумининг беш ойи мобайнида ойма-ой тенг микдорда белгиланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан иситиш мавсуми беш ойдан кўп ёки кам белгиланса, фойдаланилган табиий газ ҳақи тегишли равишда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3. Истеъмолчида икки ёки ундан ортиқ газ плиталари ёки иссиқ сув таъминоти учун сув иситтиш учун мавжуд бўлса, ушбу газ асбоблари учун газ сарфи меъёри икки ёки ундан ортиқ бараварга оширилади.

4. Хонадонига газ ҳисоблагич ўрнатилган аҳоли томонидан фойдаланилган газ учун тўлов газ ҳисоблагичлар кўрсаткичи ва ушбу нархномада кўрсатилган тариф бўйича амалга оширилади.

5. Табиий газдан фойдаланиш учун тўлов микдорларини белгилашда хонадонда яшайдиган барча кишилар, шу жумладан вақтинча яшовчилар ҳам ҳисоба олинади.

6. Иситиладиган хоналарга иситиш асбоби (иситиш юзаси жойлашган) жойдан қатъи назар барча фойдали майдон кириди: хоналар, ванналар, ошхоналар, ушбу иситиладиган майдондан ташқари (айвонлар, очиқ айвонлар, деразали балконлар ва бошқа қўшимча қурилишлар).

7. Нархноманинг 2-бўлими тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига бериладиган табиий газ сарфи меъёrlарини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Иситиладиган майдон меъёри бир кишига 43 метр куб ҳисобида белгиланган.

Иситиладиган хонанинг меъёрий ҳажмини (бир кишига 43 метр куб) иситиш учун фойдаланиладиган газ ҳажми учун тўлов белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади, иситиладиган хонанинг меъёрдан юқори ҳажми учун тўлов эса газ ҳақининг бир ярим баравари ҳисобида амалга оширилади.

8. Табиий газдан иссиқхоналар, алоҳида (автоном) сув иситгичлар ва иситиш қозонлари учун фойдаланилса, шунингдек, яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланишда тандирлар, овқат пишириш қозонлари учун фойдаланилса, табиий газ ҳақи улгуржи истеъмолчилар учун белгиланган тарифлар бўйича тўланади. Агарда, газ ҳисоблагич бўлмаса, сарфланган табиий газ ҳажми газёндиргич асбобининг кечаю кундуз энг кўп (максимал) қувватда ишлайдиган иш тартиби ва шартнома билан белгиланган иситиш даври бўйича аниқланади.

9. Ушбу Нархноманинг «Умумий кўрсатмалари» келгусидаги барча қўшимча нархномаларга тааллуқли, агарда қўшимча кўрсатмаларда бўлак ҳолатлар баён қилинмаган бўлса.

1. Табиий газдан фойдаланишга аҳоли учун белгиланган тарифлар:

№	Истеъмолчилар турлари	Стандарт ёки ТУ	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун тариф (сўм)
1.1	Газ ҳисоблагич ўрнатилган аҳоли хонадонларига бериладиган газ	ГОСТ 5542-87	10 метр куб	549,00
1.2	Газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган аҳоли хонадонларига бериладиган газ: Овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун	-/-	10 метр куб	949,16
	Иситиш учун	-/-	10 метр куб	440,14

2. Коммунал маиший эҳтиёжлар учун табиий газдан фойдаланишда газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган хонадонлар учун белгиланган тарифлар (ГОСТ 5542-87):

№	Истеъмолчилар тавсифномаси	Ўлчов бирлиги	Тариф бўйича тўлов (сўм)	
			Йиллик	ойлик
2.1	Марказий (яқка) иссиқ сув таъминотига эга бўлган уйларда овқат пишириш учун маиший газ плитаси.	1 кишига 11 метр куб	12 529,15	1 044,10
2.2	Марказий иссиқ сув таъминотига эга бўлмаган уйларда овқат пишириш учун маиший газ плитаси	1 кишига 15 метр куб	17 085,00	1 423,75
2.3	Марказий иссиқ сув таъминотига эга бўлмаган ёки иссиқ сув билан вақтинча билан таъминланган уйларда иссиқ сув билан таъминлаш учун газли сув иситгич	1 кишига 16 метр куб	18 224,35	1 518,70
2.4	Иситувчи газ асбобининг туридан қатъи назар, уйлар яқка тартибда иситиладиган шароитда, беш ойдан иборат иситиш мавсумидан келиб чиққан ҳолда, газдан тақвим йил мобайнида бир маромда фойдаланиш	Хонанинг 1 метр кубга 5,76 метр куб	1 267,50	253,50

Эслатма: Аҳоли газ истеъмолчилари томонидан 2010 йил 1 апрелгача сарфланган газ ҳақи газ ҳисоблагич кўрсаткичи бўйича 2010 йилнинг 10 апрелгача эски тариф (10 м. куб — 450.00 сўм) ҳисобида олинади. 2010 йилнинг 1 апрелидан бошлаб сарфланган газ ҳақи янги тариф (10 м.куб — 549.00 сўм) бўйича амалга оширилади.

«Тошкентгазтаъминот» УК «Тошкентшаҳаргаз» филиали.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ШОИРЛИК ФАЙЗИ ҲАҚИДА

Шеър айтмоқлик икки қисме турур,

Шоирни гайбийю ҳам таъбий турур.

Таъбарвар таъбига мағрурдур,
Доимо ҳар туну кун ранжурдур.

Шоиреким, мадҳға мойил дурур,

Олами гайбдин анга ҳосил бўлур.

АҚЛ ҲАҚИДА

Ақл бўлса одавий инсон бўлур,
Ақл гар йўқ бўлса ул ҳайвон бўлур.

Гар киши тун-кунда келтирса жимоъ,

Ақлини барбод этар би-л-ижтимоъ.

Кимки фориг бўлса нон вавосидин,

Соф бўлғай ул замон иймонидин.

Эй ўғул, бу пандға солғил қулок,
Ақл бўлса домдин бўлғил йирок.

ҚАНОАТ ВА РИЗҚ ҲАҚИДА

Гар киши доим қаноатлик дурур,
Ҳеч шак йўқтур саодатлик дурур.

Тангридин кўрқсанг қаноат айлагил,

Ризқ учун андак синаот айлагил.

Гар киши мумдил эрур Ҳақ ёрдур,
Кимки сангдил бўлса Ҳақ безордур.

ЁМОН ОДАТЛАР ҲАҚИДА

Еса гар бир луқма ҳар ким суддин,

Кетгай ул соатда иймон бирла дин.

Ўйнаса ҳар кимки шодлиғдин усул,

Бўлмағай ҳаргиз ибодоти қабул.

Солса кўз ҳар кимки номаҳрам сари,

Тангри ҳам солмас кўзин онинг сари.

Кўр кўбқай гўридин маҳшар аро,

Ҳеч ким бўлмас ўшал кун раҳнамо.

(Давоми бор)

Маҳмуд ҲАСАНИЙ ва Мавжуда РАЗЗОҚОВА тайёрлаган

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатда олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4721 нускада босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
1 2 3 5